

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРУНБАЕВ ЭРКИН

**К-ҚИЙМАТЛИ МАНТИҚ ФУНКЦИЯЛАРИ АСОСИДА ЭВРИСТИК
АЛГОРИТМЛАРНИНГ ОПТИМАЛ КОРРЕКТОРЛАРИНИ СИНТЕЗ
ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

**01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)
on physical and mathematical sciences

Урунбаев Эркин

k-қийматли мантиқ функциялари асосида эвристик алгоритмларнинг
оптимал корректорларини синтез қилиш усуллари 3

Урунбаев Эркин

Методы синтеза оптимальных корректоров эвристических
алгоритмов на основе функций k-значной логики..... 27

Urunbaev Erkin

Methods for the synthesis of optimal correctors of heuristic algorithms
based on functions of k-valued logic 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРУНБАЕВ ЭРКИН

**К-ҚИЙМАТЛИ МАНТИҚ ФУНКЦИЯЛАРИ АСОСИДА ЭВРИСТИК
АЛГОРИТМЛАРНИНГ ОПТИМАЛ КОРРЕКТОРЛАРИНИ СИНТЕЗ
ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

**01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/FM148. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Кабулов Аивар Василевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Касимов Надимулло Хабибуллаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Ҳаётов Абдулло Раҳмонович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Аллаков Исмаил
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «4» декабрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: pauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (104 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «18» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «3» ноябрь даги № 11 -рақамли реестр баённомаси).



А. Р. Марахимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р.Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Р.Д. Алоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида башоратлаш, таниш, синфлаш, кўп ўзгарувчили функцияни абсолют экстремумини аниқлашга асосланган эвристик усулларнинг натижаларини коррекциялашга бағишланган изланишлар долзарб ҳисобланиб, тиббиёт, геология, гидрология, бошқариш, ҳисоблаш техникаси каби соҳаларда кенг қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, назорат материаллари асосида эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини куриш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли k -қийматли мантиқ функциялари синфларининг тўлиқлигини текшириш ва каноник нормал шакллар синфидаги функцияларни минималлаштириш усуллари ва алгоритмларини куриш, k -қийматли мантиқ монотон функциялар сонини баҳолаш, нокоррект алгоритмлар танламасини коррекцияловчи функцияларни махсус синфларининг минимал базисини куриш, ҳисоблаш дискрет математиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, жумладан, эвристик алгоритмларнинг натижаларини коррекциялашда k -қийматли мантиқ функциялари назариясини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда каноник нормал шаклдаги формулаларни куриш, элементар конъюнкцияларни кодлаш ҳамда улар учун бирлаштириш, ютилиш ва идемпотентлик қоидаларини қўллаш, коррекцияловчи функциялар системасини тўлиқлигини текшириш кабилар муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли эвристик усулларнинг аниқлик даражасини ошириш учун k -қийматли мантиқ асосида коррекцияловчи функцияларни ҳосил қилишнинг самарали сонли ҳисоблаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадқиқига эга бўлган тиббиёт, муҳандислик, геология, экология ва бошқариш масалаларини ечишда эвристикага асосланган башоратлаш, кўп ўзгарувчили функцияни абсолют экстремумини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ахборотларни синфлаш, функционал жадваллар асосида бошқариш, тиббиётда диагностика, дискрет техникада контроллерларни лойиҳалаш, экологияда башоратлаш масалаларини ечиш бўйича муҳим натижаларга эришилди. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» устувор йўналишлар бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади¹. Қарор ижросини таъминлашда интеллектуал тизимларни яратишда қўлланиладиган башоратлаш, таниш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

синфлаш, кўп ўзгарувчили функцияни абсолют экстремумини аниқлаш усулларида қўлланиладиган эвристик алгоритмларнинг корректорларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Эвристик алгоритмлар натижаларини коррекцияловчи функцияларни куриш муаммоси бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан, Альберт университети (Канада), Стэнфорд университети, Массачусет технология институти (АҚШ), Кембридж университети, Оксфорд университети (Буюк британия), Киота университети (Япония), Мельбурн университети (Австралия), Мюнхен техника университети (Германия), Синхуа университети (Хитой), Лозанна федерал политехника мактаби (Швейцария), Сеул миллий университети (Корея Республикаси), Амстердам университети (Нидерландия), Пьер ва Мария Кюри номидаги университет (Франция), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар академияси А.А.Дородницин номидаги Ҳисоблаш маркази (Россия), В.М.Глушков номидаги Кибернетика институтида (Украина) олиб борилмоқда.

Маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашда коррекцияловчи функциялардан фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган: мураккаб объектларни бошқариш аниқлиги ва коррект алгоритминини куриш тадқиқоти (Россия ФА В.А.Трапезников номидаги “Бошқариш муаммолари” институти); эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини синтез қилиш муаммолари

² При обзоре зарубежных научных исследований по теме диссертации использовались источники: <http://www.ds.mpg.de/en>, <http://www.ox.ac.uk/>, <http://www.bioe.neu.edu>, <http://www.zbit.uni-tuebingen.de/>, <http://neel.cnrs.fr/?lang=fr>, https://www.kribb.re.kr/eng/sub02/sub02_07_03.jsp, <https://www.cbcu.umd.edu/>, <http://www.arizona.edu/>, https://mipt.ru/science/labs/laboratory_of_the_biophysics_of_excitable_systems/ и др.

Ю.И.Журавлев томонидан қўйилган бўлиб, унинг раҳбарлигида Бул функцияларини минималлаштириш, тестерлар қуриш, функция монотонлигини текшириш алгоритмлари яратилган (Россия ФА Ҳисоблаш маркази); бошқарув элементларининг носозлигини тиклашда, ишончсиз элементларни корректор киритиш ёрдамида маълум бир функция орқали ифодалаб қисман аниқланган функцияни давом эттириш масаласига келтирилган (АҚШ, Массачусетс технология институти); ахборотни қайта ишлаш тизимининг ишончсиз ишлайдиган қисмларини маълум бир эвристика сифатида қараш, бир хил муаммони ҳал қилиш учун бир нечта турли хил эвристика киритилиб натижалар маълум бир тарзда тузатилган. Натижада ишончсиз элементлардан ишончли занжирларни синтез қилиш масалаларига ўхшаш бўлган масалалар ҳосил бўлган (Буюк Британия, Кембриж университети); В.М.Глушков номидаги Кибернетика институтида (Украина), алгебраик усулда оптимал корректорларни қуриш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Шунинг учун қарор қабул қилишда эвристик усулларни қўллашдаги бош муаммо ахборотни қайта ишлайдиган тизим ҳолати бўйича дастлабки маълумотларнинг мавҳумлиги ва аниқ маълумотларнинг етишмаслиги ҳисобланиб, улар маълум даражада коррекцияланади.

Дунёда сушт шаклланган соҳаларда математик усуллардан интенсив фойдаланиб кенг илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, эвристик алгоритмлар натижасини коррекциялашнинг мантиқий усулларини яратиш; k-қийматли мантиқ функциялар синфининг тўлиқлигини текшириш ва уларни минималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини яратиш интеллетуал тизимларни яратишнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, мустақил тадқиқот соҳаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда дискрет математиканинг мулоҳазалар алгебраси асосида оптимал корректорлар қуриш масалалари учун назарий асослар етарлича ишлаб чиқилган. Маълумотларни қайта ишлашда тўғри қарор қабул қилишни таъминлаш моделлари, назарияси, услубларини яратишнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари ва адабиёт манбаларини таҳлил қилиш қуйидаги олимларнинг ишларида кўриб чиқилган: А.Мооре, R.Ellison, R.Linger, S.Templeton, K.Levitt, Ou Xenming, R.P.Lippman, O.Sheyner, J.Haines, S.Jha, J.Wing, S.Noel, S.Jajodia, M.Bishop, P.Ammarm, B.Schneier, Ю.И.Журавлев, В.Д.Мазуров, К.В.Рудаков, Е.В.Дюкова В.В.Краснопрошин, В.В.Рязанов ва бошқалар.

Массачусетс технология институти олимлари А.Мооре, R.Ellison, Стенфорд университети олимлари S.Templeton, K.Levitt, Ou.Xenming, R.P.Lippmanларнинг бошқарув тизимлари назарияси бўйича илмий ишларида бошқарув элементларининг носозлиги кўриб чиқилган. Буюк Британиянинг Кембриж университетидаги O.Sheyner, J.Haines, S.Jha, J.Wing, S.Noel, S.Jajodia, M.Bishop, P.Ammarm, B.Schneier олимларининг ишларида ахборотни қайта ишлаш тизимининг ишончсиз ишлайдиган қисмлари маълум

бир эвристика сифатида қаралган. Ҳозирги пайтда таниб олиш муаммосида нокоррект (эвристик) алгоритмлар асосида коррект алгоритмларни қуришда алгебраик усул кенг қўлланилмоқда. Ушбу ёндашувга академик Ю.И.Журавлёв асос солган бўлиб, кейинчалик унинг ўқувчилари томонидан ривожлантирилган. Ушбу ёндашув нафақат таниб олиш назариясида, балки сонли ахборот ҳосил бўлганлиги учун алгоритмларни коррекциялаш назариясида ҳам қўлланилади. Таниб олишда эвристика сифатида гипертекисликларга ажратиш қўлланилса, бундай коррекцияланадиган эвристик таниб олиш усули комитетлар усули деб аталади. Ушбу усул Россия Фанлар академиясининг Урал математиклар мактабидаги профессор В.Д.Мазуров раҳбарлигидаги гуруҳ томонидан батафсил ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда бу муаммо бўйича В.К.Кабулов, Т.Ф.Бекмурадов, М.М.Камилов, Ш.Х.Фазылов, Р.Х.Хамдамов, Н.Р.Юсупбеков, Х.З.Игамбердиев, М.М.Арипов, А.Р.Марахимов, А.В.Кабулов, Н.А.Игнатъев раҳбарлигидаги тадқиқот гуруҳлари томонидан математик моделлар, алгоритмик усуллар ва ҳисоблаш техникаси воситалари ишлаб чиқилган ва бошқариш аниқлигини ошириш учун қўлланилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Инженерлик ва табиий жараёнларнинг математик моделини ишлаб чиқиш ва сонли тадқиқ этиш” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эвристик усулларнинг аниқлигини ошириш масаласига k -қийматли мантиқ функциялари ёрдамида оптимал корректорларни қуришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

k -қийматли мантиқ функциялар синфларининг тўлиқлигини текширишнинг мантиқий усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

каноник нормал шакллар синфидаги k -қийматли функцияларни минималлаштириш усуллари ва алгоритмларини қуриш;

назорат материаллари асосида эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини қуриш методологиясини ишлаб чиқиш;

ўрнатилган турли чекловлар ва нazorат материаллари асосида эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини тузишнинг мантиқий усуллари ва алгоритмларини яратиш;

k -қийматли мантиқ монотон функциялар сони тўғрисидаги теоремани исботлаш;

нокоррект алгоритмлар танламасини коррекцияловчи k -қийматли мантиқ функциялари махсус синфларининг минимал базиси тўғрисидаги теоремаларни исботлаш;

тўлиқ аниқланмаган дискрет монотон функцияни давом эттиришда тўпламнинг инвариантлик принципи кодлашга боғлиқ эмаслиги тўғрисидаги теоремани исботлаш;

коллегиал диагностика ва бошқарув қарорини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун коррекцияловчи алгоритмлардан фойдаланган ҳолда эвристик алгоритмларни оптимал коррекциялаш алгоритмик тизими ва дастурий таъминотини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти прогнозлаш, таниб олиш, синфлаш, кўп ўзгарувчили функцияларнинг абсолют экстремумини қидириш усулларига асосланган эвристик алгоритмлар ва уларни оптимал коррекциялаш функцияларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети эвристик алгоритмларни оптимал коррекциялаш, бошқарув ва диагностика қарорларини қабул қилишни қўллаб-қувватлайдиган оптимал корректорни синтез қилиш дастурий мажмуаси, алгоритмлар, моделлар, усуллардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тимсолларни таниб олиш, k -қийматли мантиқ, алгоритмлаштириш, тўпламлар ва оптималлаштириш назариясидан фойдаланилган. Дастурий таъминотни ишлаб чиқишда модулли ва тизимли дастурлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нокоррект алгоритмлар тўпламини коррекцияловчи k -қийматли функциялар системаси синфларининг тўлиқлиги тўғрисидаги теоремалар исботланган;

эвристик алгоритмлар натижасини коррекциялаш учун нокоррект алгоритмлар тўпламини коррекцияловчи каноник нормал шаклдаги k -қийматли функцияни минималлаштиришнинг мантикий усули ва алгоритми курилган;

назорат материаллари асосида эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини қуриш методологияси ишлаб чиқилган;

ўрнатилган турли чекловлар ва назорат материаллари асосида эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини тузишнинг мантикий усуллари ва алгоритмлари яратилган;

эвристик алгоритмларнинг каноник нормал шакл синфидаги оптимал корректорини қуриш ва монотонликни аниқлаш масаласини ечиш учун Шеннон масаласига асосланган k -қийматли монотон функциялар сони ҳақидаги теорема исботланган;

нокоррект алгоритмлар тўпламини коррекцияловчи k -қийматли функцияни каноник нормал синфида минимал кўринишда ифодалаш учун махсус минимал базислари тўғрисидаги теоремалар исботланган;

берилган кодлашга нисбатан тўлиқ аниқланмаган дискрет монотон функцияни давом эттиришнинг инвариантлик принципи ҳақидаги теорема исботланган;

коллегиал диагностика ва бошқарув қарорини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун коррекцияловчи алгоритмлардан фойдаланган ҳолда эвристик алгоритмларни оптимал коррекциялашнинг алгоритмик тизими ва дастурий таъминоти яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

k-қийматли функциялар синфининг тўлиқлигини текшириш, функцияларни минималлаштириш алгоритмлари қурилган;

“Корректор” алгоритмик тизимида k-қийматли функцияларни инвариант давом эттириш ҳамда оптимал монотон корректорнинг синтези амалга оширилган;

коллегиал диагностика ва бошқарувда қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун k-қийматли мантиқ функциялари бўйича оптимал коррекциялашнинг алгоритмик тизими ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган, бошқарув қарорини қабул қилишни таъминлайдиган процедура яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги k-қийматли мантиқда қатъий формаллаштириш амалга оширилганлиги, мулоҳазалар ҳисоби усулларида фойдаланганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган. Амалий масалаларни тадқиқ этишда эвристик алгоритмларни оптимал коррекциялашдаги хулосалар компьютер ёрдамида ҳисоблаш эксперименти натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти эвристик усулларнинг аниқлигини ошириш масаласини ҳал қилишда k-қийматли мантиқ функцияларининг базиси мавжудлиги, тўлиқлиги, давом эттиришнинг инвариантлиги тўғрисидаги теоремаларнинг исботланганлиги, эвристик алгоритмларни оптимал коррекциялаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Илмий тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти инвариантлик, тўлиқлик ва k-қийматли мантиқ функциялари базисининг мавжудлиги тўғрисидаги теоремаларни қўллаш асосидаги алгоритмлар ва усуллардан фойдаланиш коллегиал диагностика ва бошқарув қарорини қабул қилишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эвристик усулларнинг аниқлигини ошириш масаласига k-қийматли мантиқ функциялари ёрдамида оптимал корректорларни қуриш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган эвристик алгоритмни коррекциялаш усули Нукус тумани сув хўжалиги корхонасининг гидротехник циклини бошқаришда татбиқ этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 апрелдаги 01/01-3-151-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши гидротехник жараённинг модернизация қилинадиган гидротехник жойларини аниқлаш асосида сув хўжалигини оптималлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини 15% га ошириш имконини берган;

технологик режимларни автоматлаштирилган бошқарув ва назорат тизими учун тавсия этилган корректордан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида технологик режимларни оптимизациялашда қўлланилган (Қорақалпоғистон

Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 16 апрелдаги 01/18-846-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши, тизимнинг ишлаш ишончилигини ошириш, маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хомашё ва энергия ресурслари сарфини камайтириш, ишчи ходимларнинг меҳнат шароитларини 12 фоизга яхшилаш имконини берган;

эвристик алгоритмларни k-қийматли мантиқ функциялари бўйича оптимал коррекциялаш учун яратилган алгоритмик тизим ва дастурий таъминотидан Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасида диагностикада коллегиял қарор қабул қилиш жараёнида қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 апрелдаги 01/2345-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қарор қабул қилишда коррекциялаш алгоритмларидан фойдаланиш, эвристик усулларнинг аниқлигини ошириш масаласини ҳал қилиш ҳамда ташхиснинг аниқлигини 15 фоиз ошириш имконини берган;

таклиф қилинган оддий каноник шакллар синфидаги k-қийматли функцияларни минималлаштириш усуллари, алгоритмлари ва k-қийматли мантиқ функцияларини монотонлигини текширишни мураккаблигини баҳолаш мезонидан БВ-М-Ф4-004 “Бошқарув тизимлари назариясида алгоритмлаш тамойилларини ишлаб чиқиш” грант лойиҳасида экстремал муаммоларни ечишнинг алгоритмларини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2021 йил 16 июлдаги 33-8/5163-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши технологик жараёнларнинг функционал жадваллари асосида қурилган автоматлаштириш тизимида аниқ оптимал ечимларни аниқлаш дастурий таъминотини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 7 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида, нашр этилган ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномалари 3 та.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 173 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эвристик алгоритмлар учун оптимал тузатувчини синтез қилиш методикаси**» деб номланган биринчи боби σ - синфдаги функционал чизиқли сифатга нисбатан оптимал коррекциялаш функцияларини куришга бағишланган.

§1.1 параграфда эвристик алгоритмларни коррекциялашнинг мантикий усуллари ўрганилган ва олинган натижаларни коррекциялаш масаласининг умумий қўйилиши берилган бўлиб, материални ифодалаш учун зарур бўлган асосий тушунчалар аниқланган.

$A_1, A_2, \dots, A_n$ эвристик алгоритмлар ёрдамида $\{S\}$ объектларни таснифлаш (таниб олиш) натижалари берилган бўлсин. S даги ҳар бир объект учун алгоритмларнинг натижаси $\alpha = (\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n)$ – вектор кўринишида ифодаланиб, унинг элементлари қуйидагича аниқланади:

$$\alpha_i = \begin{cases} j, & \text{агар } S \in K_j, j \in \{1, \dots, k-1\}, \\ 0, & \text{агар } S \text{ объект таниб олинмаган бўлса.} \end{cases}$$

Бу ерда $K_1, K_2, \dots, K_{k-1}$ – берилган ўзаро кесишмайдиган синфлар. $A_1, A_2, \dots, A_n$ нокоррект алгоритмлар бўлгани учун, улар ҳар хил натижаларни бериши мумкин, яъни $\alpha_i \neq \alpha_j, i \neq j, i, j \in \{1, 2, \dots, n\}$.

Бунда α нинг қийматларини коррекциялайдиган k -қийматли F функцияни куриш, яъни объектлар тегишли бўлган синф номерини аниқлашни α га боғлиқ функция кўринишида шакллантириш талаб этилади.

Коррекциялаш функцияларига қўйилган баъзи чекловлар кўриб чиқилган. Бу чекловлар қиймат ва тўпلامни сақлаш ҳамда монотонлик, симметриклик шартлари ҳисобланади.

Муаммо берилган φ сифат кўрсаткичи ва F тузатувчи функция учун қўйилган турли чекловлар асосида ҳал қилинади.

Фараз қилайлик, $L_1, L_2, \dots, L_k \subset E_k = \{0, 1, \dots, k-1\}$ бўлсин.

Агар $\{f\}$ функциялар оиласи учун $\alpha_i \in L_j, i = \overline{1, n}$ шартдан $f(\alpha) \in L_j, j \in \{1, 2, \dots, t\}$ шарт келиб чиқса, у ҳолда k -қийматли мантиқнинг $\{f\}$ функциялар оиласи L тўпламда умумийликни сақлайди.

E_k тўпламда қуйидагича қисман тартиб берилади,

$$0 < 1, 0 < 2, \dots, 0 < k-1 \quad (1),$$

бу тартибга кўра, $\beta_i \leq \gamma_i, i = \overline{1, n}$ бажарилса, E_n^k тўпламда танланган кетма-кетлик учун

$$\beta = (\beta_1, \dots, \beta_n) \leq \gamma = (\gamma_1, \dots, \gamma_n), \quad (2)$$

қисман бажарилиши таъминланади.

Агар (2) бўйича $\alpha \leq \beta$ шартдан $f(\alpha) \leq f(\beta)$ бажарилса, у ҳолда (1) тартиб бўйича $f(\tilde{x})$ монотон функция дейилади.

Айтайлик, $f(\alpha) = \beta, \beta \in \{0, 1, \dots, k-1\}$ бўлсин. Агар $f(\gamma) = \beta$ ўринли бўлса, у ҳолда $f(\tilde{x})$ функция қийматни сақловчи деб аталади. Бунда γ -қийматлар сатри, $\{\alpha_{i_1}, \alpha_{i_2}, \dots, \alpha_{i_p}\} \in \tilde{\alpha}$ даги қийматлар ўрнига β қийматни қўйишдан ҳосил бўлган.

§1.2 параграфда қуйидаги $\{\sigma_i\}, (i = \overline{1, 7})$, функциялар синфида коррекцияловчи функциялар синфларини қуриш амалга оширилади. Бунда σ_1 – тўпламни сақлайдиган функциялар синфи, σ_2 – монотон функциялар синфи, σ_3 – монотон ва тўпламни сақлайдиган функциялар синфи, σ_4 – носимметрик функциялар синфи, σ_5 – қийматни сақлаш функциялар синфи, σ_6 – тўплам сақлайдиган ва носимметрик функциялар синфи, σ_7 – тўпламни сақлайдиган, монотон ва носимметрик функциялар синфи. Бунда

$$\sigma_3 = \sigma_1 \cap \sigma_2, \sigma_6 = \sigma_1 \cap \sigma_4, \sigma_7 = \sigma_2 \cap \sigma_6, \sigma_8 = \sigma_5 \cap \sigma_7.$$

§1.3 параграфда коррекцияловчилар φ жарима матрицаси билан аниқланадиган чизиқли сифат функционали кўринишидаги назорат материали асосида қурилган.

Айтайлик, назорат материали, олдиндан $P_1, P_2, \dots, P_k$ хусусиятлари ва $P_j(S_i) = \alpha_{ij}$ аниқланган $S_1, S_2, \dots, S_m$ объектларга асосан ташкил қилинган бўлсин. Шунингдек, коррекцияловчи F функция $P_j(S_i)$ учун $\tilde{\alpha}_{ij}$ қийматни аниқлаган бўлсин.

Чизиқли сифат функционали қуйидагича аниқланади:

$$\varphi(F) = \frac{1}{m \times k} \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^k \varphi(\alpha_{ij}, \tilde{\alpha}_{ij}).$$

Жарима қиймати синфлашнинг олдиндан аниқланган ва коррекцияланган қийматлари функциясидир. Жарима қиймати нол бўлса натижа ижобий ва аксинча жарима қиймати бир бўлса натижа салбий бўлади.

Чизиқли функционални ҳисоблашда барча (S_i, P_j) , $i = \overline{1, m}$, $j = \overline{1, k}$ жуфтликлари учун жарима ёки рағбатлар йиғиндиси ҳисобланади. Рағбат матрицасига кўра, аниқланган чизиқли функционал тўғри коррекциялаш (башоратлаш) улуши дейилади.

§1.4 параграфда коррекцияловчини давом эттириш кодлашга боғлиқ эмаслиги принципи исботланган.

$M \subseteq E_n^k$ да,

$$F(\tilde{x}) = \gamma_j, \text{ агар } \tilde{x} \in M_j, (j = \overline{0, k-1}), \quad (3)$$

кўринишда аниқланадиган кўп қийматли $F(x_1, x_2, \dots, x_n)$ функцияни кўриб чиқамиз. Бунда

$$M = \bigcup_{i=0}^m M_i \text{ ва } M_i \cap M_j = \emptyset, i \neq j.$$

$\{\pi\}$ -орқали, $\{0, 1, \dots, k-1\}$ тўпладдаги барча $\pi = (i_0, i_1, \dots, i_{k-1})$ кўринишдаги ўрин алмаштиришларни белгилаймиз. Агар $\tilde{x} \in M_j, (j = \overline{0, k-1})$ бўлса, $F_\pi(\tilde{x}) = i_j$ функцияни $F(\tilde{x})$ функциянинг π ўрин алмаштириши деб аталади.

Агар $\mathfrak{N}_{\Sigma F}(\tilde{\alpha}) = j$ ва $\mathfrak{N}_{\Sigma F_\pi}(\tilde{\alpha}) = i_j$ бўлса, $\tilde{\alpha} \in E_n^k \setminus M$ нукта, π ўриналмаштиришга нисбатан $M_j \subseteq M, j = \overline{0, k-1}$ тўпламнинг кодини сақлайди деб аталади.

Агар $\tilde{\alpha} \in E_n^k \setminus M$ нукта ихтиёрий $\pi \in \{\pi\}$ ўрин алмаштиришга нисбатан M_j кодини сақласа, у M_j тўпламни кодини сақловчи деб аталади.

Ушбу ишнинг мақсади $F(\tilde{x})$ функцияни маълум бир маънодаги энг содда давом эттирилишини аниқлашдан иборат.

$F(\tilde{x})$ учун $E_n^k \setminus \bigcup_{v=0}^{i-1} M_v$ да ётадиган, B_j^i нинг қиймати γ_i га тенг бўлган M_i лар билан кесишадиган $N_{B_j^i} (i = \overline{1, m}, j = \overline{0, I_i})$, максимал интервалларни аниқлаймиз.

$$\mathfrak{M} = \bigvee_{i=1}^m \bigvee_{j=1}^{I_i} B_j^i \text{ каноник нормал формани (к.н.ф), } F(\tilde{x}) \text{ учун}$$

қисқартирилган нормал форма деб атаймиз. Бундан $\mathfrak{M}_{\Sigma F}$ дизъюнктив нормал форма (д.н.ф.), F функция орқали бир қийматли аниқланишини англаш мумкин.

Энди F функцияни қиймати ўзгарганда (F' га ўтиш), $\mathfrak{M}_{\Sigma F}$ нинг ҳам қиймати ўзгарадиган ($\mathfrak{M}_{\Sigma F'}$ га ўтиш) нукталарни кўрсатамиз.

Теорема 1. Айтайлик $\mathfrak{M} = \bigvee_{\pi: \pi \in (\pi)} \mathfrak{N}_{\Sigma F_\pi}$ бўлсин. $\tilde{\alpha} \in E_n^k \setminus \bigcup_{i=0}^{k-1} M_i$ нукта M_j

тўпламни кодини сақлайди, фақат ва фақат шу ҳолдаки, қачонки $\mathfrak{M}$ д.н.ш. да $\exists \mathfrak{A}$ элементар конъюнкция (э.к.) топилиб, $N_{\mathfrak{A}} \cap M_j \neq \emptyset, \tilde{\alpha} \in N_{\mathfrak{A}}$ ва $N_{\mathfrak{A}} \cap M_i = \emptyset, (i = 0, \dots, j-1, j+1, \dots, k-1)$ муносабат ҳар бир $N_{\mathfrak{A}}$ оралик учун бажарилса, бунда

э.к. $\mathfrak{A} \subset \mathfrak{M}$ $\mathfrak{A} \cap M_i \neq \emptyset$, $(i \neq j)$ ва M_j ни ўз ичига олади.

Теорема натижаларига кўра, қисман аниқланган $F(\tilde{x})$ ни оптимал давом эттиришда M_j ($j = \overline{0, k-1}$) кодлашни сақлайдиган, S^n декарт кўпайтма нуқталарини синтез қилиш алгоритми тузилган.

«Нокоррект алгоритмларни оптимал коррекцияловчиларини синтез қилиш усуллари ва алгоритмлари» деб номланган диссертациининг иккинчи боби оптимал коррекцияловчиларни қуришга бағишланган.

Таъриф 1. Ихтиёрий ўзгарувчиларини ўрнини алмаштирганда қиймати ўзгармайдиган P_k^n даги $f(\tilde{x})$ функция симметрик функция дейилади.

Айтайлик, $f(\tilde{x}) \in P_k^n$, $\tilde{\alpha} = (\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n)$, $f(\tilde{\alpha}) \in \beta$, $\beta \in [0, 1, \dots, k-1]$ бўлсин ҳамда $\tilde{\alpha}$ нинг $\alpha_{i_1}, \alpha_{i_2}, \dots, \alpha_{i_p}$ координаталари β га тенг бўлсин. $\tilde{\alpha}$ қийматлар сатрининг ихтиёрий $\alpha_{i_1}, \alpha_{i_2}, \dots, \alpha_{i_p}$ элементларини β га алмаштириш натижасида ҳосил бўлган $[\tilde{\gamma}]$ қийматлар мажмуасини кўрамиз.

Таъриф 2. Агарда $f(\tilde{\gamma}) = \beta$, $\tilde{\gamma} \in [\tilde{\gamma}]$ ва $\beta \in [0, 1, \dots, k-1]$ бўлса, $f(\tilde{x}) \in P_k^n$ функция σ_3 чекловни қаноатлантиради.

§2.1 параграфда k -қийматли мантиқ функциялар синфининг тўлиқлик хоссалари ўрганилган.

§2.2 параграфда коррекцияловчи функцияларни чекловлар бўлмаган ҳолда ҳамда алоҳида тўплам ва симметрияни сақлашга чеклови ва биргаликдаги чеклови қўйилганда ($\sigma_1, \sigma_4, \sigma_6$ функциялар синфларида) оптимал мантикий коррекцияловчиларни синтез қилиш алгоритмлари таклиф этилган.

$\sigma_2, \sigma_3, \sigma_7, \sigma_8$ даги коррекцияловчи функциялар учун алгоритмларни қуришда ўзаро кесишмайдиган қуйидаги $S_{p_1}, S_{p_2}, \dots, S_{p_t}$ бош атрофларни кўриб чиқамиз, яъни

$$\bigcup_{i=1}^t S_{p_i} = \{A_{\tilde{\alpha}}\} \text{ ва } S_{p_{i-1}} \subset S_{p_i} = S_{p_{i+1}} = \dots, \quad i = \overline{1, t}$$

Ихтиёрий $A' \subseteq A$ тўплам учун қуйидаги $r_{0A}, r_{1A}, \dots, r_{k-1A}$ йиғиндини аниқлаймиз:

$$r_{\alpha A'} = \sum_{\tilde{\alpha}_i: \tilde{\alpha}_i \in A'} \sum_{j=p_{i-1}+1}^{p_i} \varphi(\alpha_j, \alpha),$$

бу ерда $\alpha \in [0, 1, \dots, k-1]$.

§2.3 параграфда $\sigma_2, \sigma_3, \sigma_7$ синфларда оптимал мантикий коррекцияловчиларни синтезлаш алгоритми таклиф этилган.

§2.4 параграфда §2.2, §2.3 прараграфларда таклиф этилган коррекцияловчи функцияларни қуриш алгоритмларининг оптималлик асоси келтирилган.

F_σ – алгоритмларни φ – чизиқли сифат функцияси бўйича оптимал эканлиги исботланган.

Теорема 2. Берилган $F_{\sigma_2} F_{\sigma_3}, F_{\sigma_7} F_{\sigma_8}$ алгоритмлар назорат жадвали бўйича оптимал (1-Жадвал.).

1-Жадвал

S	A_1	A_2	$\cdots$	A_n	$P(S)$
S_1	α_{11}	α_{12}	$\cdots$	α_{1n}	α_1
S_2	α_{11}	α_{12}	$\cdots$	α_{2n}	α_2
$\vdots$	$\vdots$	$\vdots$	$\cdots$	$\vdots$	$\vdots$
S_{p_1}	α_{11}	α_{12}	$\cdots$	α_{1n}	$\vdots$
S_{p_1+1}	α_{21}	α_{22}	$\cdots$	α_{2n}	$\vdots$
$\vdots$	$\vdots$	$\vdots$	$\cdots$	$\vdots$	$\vdots$
S_{p_2}	α_{21}	α_{22}	$\cdots$	α_{2n}	$\vdots$
$\vdots$	$\vdots$	$\vdots$	$\cdots$	$\vdots$	$\vdots$
S_{p_t+1}	α_{t1}	α_{t2}	$\cdots$	α_{tn}	$\vdots$
$\vdots$	$\vdots$	$\vdots$	$\cdots$	$\vdots$	$\vdots$
S_q	α_{t1}	α_{t2}	$\cdots$	α_{tn}	α_q

§2.5 параграфда нокоррект алгоритмлар тўпламини коррекцияловчи уч қийматли мантикий функциялар сонини аниқлаш ва уларни тавсифлаш мураккаблиги ўрганилган ва теоремалар исботланган.

Теорема 3. Аниқланган S^n фазода n -та ўзгарувчига боғлиқ σ_2 синфидаги функциялар сони $\psi_1(n)$ учун $\psi_1(n) = 2^{\frac{1}{2\sqrt{n}} \frac{3^{n+1}}{\sqrt{n}} (1+\varepsilon_2(n))}$ га тенг, бунда $n \rightarrow \infty$ да $\varepsilon_3 \rightarrow 0$. Бундай натижани σ_3 функциялар синфи учун ҳам аниқлаш мумкин.

“Оптимал коррекцияловчи k-қийматли мантикий функцияларни синтез қилишнинг усуллари” деб аталган диссертациянинг учинчи боби кўп қийматли функцияларни минималлаштиришга бағишланган.

Ишнинг 3.1 параграфида k-қийматли коррекцияловчи функциялар синфлари базисларини яратиш баён этилган.

1. σ_1 синфидаги базис. σ_1 синфида қуйидаги функциялар системаси берилган бўлсин:

$$\mathfrak{M}_1 = [\max(x_1, x_2), \min(x_1, x_2), m_{11}(x_1, x_2), m_{100}(x_1, x_2, x_3), m_{200}(x_1, x_2, x_3), m_{201}(x_1, x_2, x_3)]$$

бунда

$$m_{11}(x_1, x_2) = \begin{cases} \alpha, & \text{агар } x_1 = x_2 = \alpha, \alpha \in [0, 1, 2], \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$

$$m_{100}(x_1, x_2, x_3) = \begin{cases} \alpha, & \text{агар } x_1 = x_2 = x_3 = \alpha, \\ 1, & \text{агар } x_1 = 1, x_2 = x_3 = 0, \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$

$$m_{200}(x_1, x_2, x_3) = \begin{cases} \alpha, & \text{агар } x_1 = x_2 = x_3 = \alpha, \\ 2, & \text{агар } x_1 = 2, x_2 = x_3 = 0, \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$

$$m_{201}(x_1, x_2, x_3) = \begin{cases} \alpha, & \text{агар } x_1 = x_2 = x_3 = \alpha, \\ 2, & \text{агар } x_1 = 2, x_2 = 0, x_3 = 1, \\ 0, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

Теорема 4. Аниқланган σ_1 синфда $\mathfrak{M}_1$ функциялар системаси тўлиқ.

Теорема 5. Берилган $\mathfrak{M}_2 = [\max(x_1, x_2), m_{100}(x_1, x_2, x_3), m_{200}(x_1, x_2, x_3)]$ функциялар системаси, σ_1 – уч қийматли n аргументли функциялар синфида базис ташкил қилади.

2. σ_2 синфда базис. Берилган

$$\mathfrak{M}_6 = [\max(x_1, x_2), \min(x_1, x_2), m_1(x), m_2(x), 0, 1, 2]$$

функциялар системаси σ_2 синфдаги функциялар бўлсин. Бунда

$$m_1(x) = \begin{cases} 2, & \text{агар } x = 1, \\ 0, & \text{агар } x \neq 1, \end{cases} \quad m_2(x) = \begin{cases} 2, & \text{агар } x = 2, \\ 0, & \text{агар } x \neq 2. \end{cases}$$

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган функциялар монотон функциялар ҳисобланади.

Теорема 6. Берилган $\mathfrak{M}_6$ функциялар системаси σ_2 синфда тўлиқ.

Теорема 7. Берилган $\mathfrak{M}_7 = [\max(x_1, x_2), \min(x_1, x_2), m_1(x), 1]$ функциялар системаси, σ_2 – уч қийматли n аргументли функциялар синфида базис ташкил қилади.

σ_3 синфда базис.

Фараз қиламиз, σ_3 , $\sigma_3 = \sigma_1 \cap \sigma_2$, синфида қуйидаги функциялар системаси берилган:

$$\mathfrak{M}_{11} = [\max(x_1, x_2), \min(x_1, x_2), m_{11}(x_1, x_2), m_{12}(x_1, x_2), m_{21}(x_1, x_2), m_{120}(x_1, x_2, x_3)].$$

Бунда

$$m_{12}(x_1, x_2) = \begin{cases} \alpha, & \text{агар } x_1 = x_2 = \alpha, \\ 1, & \text{агар } x_1 = 1, x_2 \in [0, 2], \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$

$$m_{21}(x_1, x_2) = \begin{cases} \alpha, & \text{агар } x_1 = x_2 = \alpha, \\ 2, & \text{агар } x_1 = 2, x_2 \in [0, 1], \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$

$$m_{120}(x_1, x_2, x_3) = \begin{cases} \alpha, & \text{агар } x_1 = x_2 = x_3 = \alpha, \\ 2, & \text{агар } x_1 = 1, x_2 = 2, x_3 \in [0, 1, 2], \\ 0, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

Теорема 8. Келтирилган $\mathfrak{M}_{11}$ функциялар системаси σ_3 синфда тўлиқ. Фараз қиламиз, σ_3 синфда қуйидаги функциялар системаси берилган:

$$\mathfrak{M}_{12} = [\max(x_1, x_2), \min(x_1, x_2), m_{12}(x_1, x_2), m_{21}(x_1, x_2), m_{120}(x_1, x_2, x_3)].$$

Теорема 9. Берилган $\mathfrak{M}_{12}$ функциялар системаси σ_3 синфда базис ташкил қилади.

3.2 параграфда функцияларни формула шаклида тасвирлаш ва уларни минималлаштириш йўллари текширилган.

Қуйидаги келтирилган теорема k -қийматли мантикий функцияларни нормал шаклларда берилишининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Келтирилган теоремага кўра, ҳар қандай $f(x) \in P_k$ функцияни қуйидаги

$$f(x) = (\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_n)^V J_{\delta_1}(x_1), \dots, J_{\delta_n}(x_n) f(\delta_1, \dots, \delta_n).$$

кўринишдаги формула орқали тасвирлаш мумкин.

Бундай формула буль алгебрасидаги каби $f(x)$ функциянинг мукамал дизъюнктив нормал шакли (м.д.н.ш.) дейилади. Буль алгебрасининг асосий тушунчалари ва минималлаштириш схемалари k -қийматли функция учун умумлаштирилган.

Минималлаштириш масаласини Буль функциясини монотонлигини текшириш масаласига келтириш учун йўналтирилган танлов процедураси қаралган.

Бошланғич t координатаси $[1, 2, \dots, k-1]$ дан қиймат қабул қиладиган E_n^k га тегишли барча $E_n^{k,t}$ – қийматлар сатрини қараймиз.

Теорема 10. Ихтиёрий $\tilde{x} \in E_n^{k,t}$ учун, яъни $\bigcup_{j=1}^n N_{G_j} = E_n^{k,t}$ да $\bigvee_{j=1}^m G_j(\tilde{x}) = i$

бўлса, фақат шу ҳолда, $\mathfrak{M} = \bigvee_{j=1}^m H_j^i$ дизъюнкция H^i э.к. ютади.

Шунингдек, § 3.2 параграфда Нурлыбаев бўйича аниқланган k -қийматли функция э.к. ларининг интервалларини кодлаш усули берилган.

Ҳар бир $M_i (i=\overline{1,n})$ тўплагма маълум бир тарзда саккизлик санок системасидаги сон мос қўйилади. Бирлаштириш, ютулиш, умумлашган бирлаштириш амаллари ва бир интервални бошқа интерваллар бирлашмаси орқали ютулиш критерияси киритилади. Киритилган кодлаштириш усули минималлаштириш жараёнини компьютерда бажаришни осонлаштиради.

§ 3.3 параграфда қисман аниқланган $f(x)$ функция:

$$f(x) = \begin{cases} 1, & \text{агар } x \in A, \\ 2, & \text{агар } x \in B, \\ 0, & \text{агар } x \in T, \end{cases}$$

ни оддий давом эттириш масаласи шакллантирилади. Бунда $A, B, T \subseteq S^n$, $(A \cup B)T = \emptyset$ ва $A \cap B \neq \emptyset$ (умуман олганда, $S^n \setminus (A \cup B \cup T) \neq \emptyset$).

Тўлиқ аниқланган функция учун, аниқланган тушунчалар қисман аниқланган функциялар учун оддий усулда умумлаштирилади. Умуман олганда, монотон функциялар синфида $f(x)$ учун бир-бирига эквивалент бўлмаган турлича давом эттириш мавжуд.

Масала, қисман аниқланган $f(x)$ функцияни ифодалайдиган минимал д.н.ф.ни аниқлаш, яъни $A \subseteq \{\tilde{x} : g(\tilde{x}) = 1\}$, $B \subseteq \{\tilde{x} : g(\tilde{x}) = 2\}$ ва $T \subseteq \{\tilde{x} : g(\tilde{x}) = 0\}$ ни каноатлантирадиган $g(x)$ монотон функцияни аниқлашдан иборат.

$\mathfrak{M} = \bigvee_{i=1}^r \mathfrak{Z}_i - f_M(\tilde{x})$ функцияни ифодалайдиган қисқартирилган н. к. ф. бўлсин. $\mathfrak{M}$, A и L_{1M} ва тўплагмаларни берилиши орқали бир қийматли аниқланади.

Теорема 11. Берилган A ва L_{1M} тўплагмаларни ажратувчи N_{fM} га мос $\Pi_{\min}$ минимал к.н.ф., f_M учун аниқланган $\mathfrak{M}$ қисқартирилган н.к.ф. дан баъзи бир $\mathfrak{Z}$ э.к. ларни четлатиш натижасида ҳосил қилиниши мумкин.

Π ва $\left(\bigvee_{j=1}^s \mathfrak{Z}'_j\right) \vee \mathfrak{Z}_0$ ларнинг Y қийматлар соҳаси ёки $[0,1]$ дан ёки $[0,2]$ дан иборат деб ҳисоблаймиз. Аниқлик учун $Y = [0,1]$ бўлсин.

Теорема 12. Фақат ва фақат

$$\left(\Pi' \rightarrow \bigvee_{j=1}^s \mathfrak{Z}_j\right) \equiv 1 \quad (4)$$

$$\left(\mathfrak{Z}_0 \rightarrow \bigvee_{j=1}^s W_j\right) \equiv 1 \quad (5)$$

бажарилгандагина $\left(\Pi' \wedge \mathfrak{Z}_0 \rightarrow \bigvee_{j=1}^s \mathfrak{Z}_j\right) \equiv 1$ ўринли бўлади, бунда, $\mathfrak{Z}_j$ ва W_j – э.к. лар учун $\mathfrak{Z}'_j = \mathfrak{Z}_j \wedge W_j$, $j = \overline{1,s}$ бажарилади.

“Коррекцияловчи кўп қийматли функцияларни минималлаштиришнинг ҳисоблаш усуллари” номли 4-боб коррекциялаш алгоритмини яратишга бағишланган бўлиб, унда қисман аниқланган функцияларнинг тупикли каноник нормал шакллари аниқлаш алгоритмларининг хоссалари таҳлил қилинган. Бутун чекли қиймат қабул қилувчи функцияни оддий формуласини қуриш асосида k -қийматли мантиқ функцияларини минималлаштиришнинг ҳисоблаш алгоритмлари баён этилган. Элементар конъюнкцияларни ўнлик сонлар жуфтлигида ифодалаб ва уларнинг массивини ҳосил қилиш асосида кўп қийматли функцияларини минимал қопламаларини яратиш усули берилган.

4.1-параграфда қисман аниқланган $f(x)$ функциянинг барча тупикли қопламаларини яратиш усули келтирилган. Қисман аниқланган монотон квазибуль функциясини минималлаштириш масаласи ечилган.

$f(x)$ функцияни $f(x) = f_{\gamma_1} \cup f_{\gamma_2} \cup \dots \cup f_{\gamma_m}$ кўринишда ифодалаш k -қийматли функцияни квазибуль кўриниш дейилади. Бунда

$$f_{\gamma_i}(x) = \begin{cases} \gamma_i, & \text{агар } x \in N_{j_{\gamma_i}}, \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases},$$

$$N_{j_{\gamma_i}} = \left\{ \alpha / (\alpha \in E_k^n) \cap (f(\alpha) = \gamma_i) \right\}, i = \overline{1, m}, m \leq k-1$$

$f_{\gamma}(x)$ квазибуль функцияни ифодалашда элементар конъюнкцияни қуйидаги кўринишидан фойдаланилади:

$$K = \min \{ J_{M_1}(x_1), \dots, J_{M_n}(x_n), \gamma \},$$

бунда $M_i \subseteq E_k = \{0, 1, \dots, k-1\}, \gamma \in E_f \subseteq \{1, 2, \dots, k-1\}, i = \overline{1, n}$.

Теорема 13. Берилган $D = K_1 \vee K_2 \vee \dots \vee K_m$ дизъюнкция, D даги бирорта э.к. га ортогонал бўлмаган K э.к. ни ютиши учун ҳар бир K_i э.к. ни $K_i = C_i \cdot D_i$ кўринишдаги қуйидаги шартлар асосида ифодаланиши зарур ва етарли:

1. $\bigcup_{i=1}^m N_{D_i} = E_n^k;$
2. $N_K \subseteq N_{\tilde{D}}, \tilde{D} = \bigwedge_{i=1}^m C_i.$

Ушбу параграфда минимал д.н.ф.ни қуриш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда бирлаштириш (умумлашган бирлаштириш) ва ютилиш қоидаларига асосан қисқартирилган д.н.ш. ҳосил қилинади. Иккинчи босқичда қисқартирилган д.н.ф.нинг баъзи бир э.к.лари қолган э.к.лар бирлашмаси томонидан қопланадиган бўлса четлатиш асосида минимал д.н.ш. ҳосил қилинади.

§ 4.2 параграфда деярли тўлиқ аниқланмаган функциянинг тупикли н.к.ф.ни қуриш алгоритмининг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Бунинг учун э.к.ни қуйидаги кўринишидан фойдаланилади:

$$H = m_{\alpha_1}(x_1)m_{\alpha_2}(x_2) \cdot \dots \cdot m_{\alpha_l}(x_l)$$

